

## **ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИ**

**Хотамов Ибодулло Саъдуллоевич**

И.ф.н., доцент

**Рашидова Одина Олимжон қизи**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети таянч докторанти

+9989 99 6456468

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада Ўзбекистон Республикасининг саноат ва экспорт салоҳияти таҳлили ва унинг истиқболлари ёритилган. Саноат маҳсулотлари экспортини диверсификация қилиш тушунчасига кенгроқ таъриф берилган. Ўтган даврлардаги саноат маҳсулотлари экспортининг диверсификация индекси динамикаси кўриб чиқилиб таҳлил қилинган. Хулоса ўрнида экспорт таркибида муаммоларга ега мамлакатлар экспорт таркибини диверсификация қилишининг долзарблиги ташиқи бозорларни егаллашда, миллий экспорт таркибининг тур ва ҳажм жиҳатидан кўп бўлиши жаҳон хўжалигида мамлакатнинг рақобатбардош бўлишига ёрдам бериши таъкидланган.*

***Калит сўзлар:** саноат, саноат корхоналари, экспорт, экспорт савати, импорт, капитал, инвестиция, инновация, диверсификация, ишлаб чиқариш самарадорлиги.*

## **ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ЭКСПОРТА ПРОМЫШЛЕННОЙ ПРОДУКЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье проведен анализ промышленного и экспортного потенциала и его перспективы Республики Узбекистан. Понятию диверсификации экспорта продовольственных товаров дано более широкое определение. Рассмотрена и проанализирована динамика индекса диверсификации экспорта промышленной продукции в прошлые периоды. В заключении подчеркнута, что диверсификация структуры экспорта стран с проблемами в структуре экспорта необходима для захвата внешних рынков, а большое количество национальных экспортных структур по типу и размеру поможет стране быть конкурентоспособной. в мировой экономике.*

***Ключевые слова:** промышленность, промышленные предприятия, экспорт, экспортная корзина, импорт, капитал, инвестиции, инновации, диверсификация, эффективность производства.*

## DIVERSIFICATION OF EXPORT OF INDUSTRIAL PRODUCTS IN UZBEKISTAN

### ABSTRACT

*The article describes the analysis of the industrial and export potential of the Republic of Uzbekistan and its prospects. The concept of diversification of exports of food products is given a broader definition. The dynamics of the diversification index of the export of industrial products in the past periods were reviewed and analyzed. In the conclusion, it was emphasized that the diversification of the export structure of countries with problems in the export structure is necessary to capture foreign markets, and the large number of national export structures in terms of type and size will help the country to be competitive in the world economy.*

**Key words:** industry, industrial enterprises, export, export basket, import, capital, investment, innovation, diversification, production efficiency.

### КИРИШ

Ишлаб чиқаришнинг глобаллашувида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификация етишга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги, аҳолининг иш бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини янада ошириш, унинг соҳа ва тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилишдир [1]. Ишлаб чиқаришнинг глобаллашувида саноат корхоналарини технологик янгилаш ва модернизациялаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, жумладан, саноат тармоғини жадал ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Саноат корхоналарини юқори даражадаги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали инновацион иқтисодиётга ўтиш бўйича катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади» [2]. Мазкур вазифаларни ҳал этишда саноат ишлаб чиқариши тизимида инновацион фаолликни ошириш, инновацион-инвестицион фаолиятни амалга ошириш тенденциялари ва устувор йўналишларини аниқлаш, инновацион

лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш, корхоналарда инновацион фаолиятни амалга оширишнинг молиявий механизмини такомиллаштириш сингари йўналишларда илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда саноат тармоқларини барқарор ривожлантиришда давлатнинг роли, биринчи навбатда, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида миллий иқтисодиёт тармоқларини тартибга солиш, саноат тармоқларига таъсир етувчи ташқи салбий омилларни бартараф етиш, экспортни рағбатлантириш, солиққа тортишда имтиёзлар бериш, молия-кредит механизмларини ривожлантириш масалаларидан иборат. Бу жараёнлар бевосита қонуний-ҳуқуқий жиҳатлар ва институционал ўзгаришларга асосланган ҳолда давлат томонидан тартибга солиниши лозим.

Саноатда юқори технологияли, замонавий корхоналар ва қувватларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялаш, инвестиция жараёнини такомиллаштириш, жаҳон бозорларига чиқишнинг асосий омили ҳисобланган тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш белгиланган. Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида еътиборга лойик. Шу жиҳатдан, республикамизда ишлаб чиқаришнинг глобаллашувида технологик янгиланиш ва модернизациялаш фаолиятини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш ва унда фан ва техника ютуқларини жорий қилиш йўллари тадқиқ қилиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.**

Ўзбекистон ўзининг саноат ва экспорт салоҳиятини ошириб бормоқда. Юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ва уларнинг мамлакат умумий экспортидаги улуши ҳам ортиб, энергия ва пахта экспортига қарамлиги камайиб бораяпти. Саноат маҳсулотлари экспорти таркиби сифат жиҳатидан ўзгарди, аниқроғи экспортда тайёр маҳсулотларнинг улуши ортди. Шунга қарамай, ҳали ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилгани йўқ.

Бошқа томондан, Ўзбекистон иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатадиган турли хил ташқи бўҳронлар мавжуд. Жаҳон иқтисодиётида пандемия ва узоқ давом этган карантин, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларига қарши

иқтисодий жазо чоралари ва яна бошқа бир қатор муаммолар муттасил равишда юзага келмоқда. Бундан ташқари, халқаро майдонда кўплаб янги бозор иштирокчилари, янги рақобатчилар пайдо бўлади. Улар иқтисодиётидаги ўсиш ажойиб натижаларни кўрсатмоқда.

Бундай шароитда мамлакат иқтисодиёти қанчалик барқарор, уни ривожлантириш захиралари қанчалик диверсификацияланган, деган савол туғилади. Беқарорлик ва глобал бўҳронлар шароитида иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг манбаларидан бири бу - экспортни диверсификация қилиш даражасини ошириш, экспортни хом ашёдан жаҳон бозорида талаб юқори бўлган юқори даражада қайта ишланадиган товарларга йўналтиришдир. Экспортдаги товарларнинг айрим позицияларидаги ҳаддан ташқари концентрация жаҳон бозорида нархларнинг юқори ўзгарувчанлиги шароитида мамлакат иқтисодиёти учун хатарларни келтириб чиқаради. В.М Полтерович таъкидлаганидек, "жаҳон бозори жадал ўсган пайтда экспортни диверсификация қилишга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ" [3].

Бу боис биринчи навбатда, саноат маҳсулотлари экспортидаги ўзгаришларни баҳолаш зарур. Бу ҳозирги вақтда мамлакатнинг экспорт савати нима эканлиги, унинг таркиби сўнгги йилларда қандай ўзгарганлиги, ўзгариш динамикаси қандай бўлганлиги ва ҳоказоларни аниқлаш имконини беради.

Диверсификация умумий маънода хилма-хилликнинг кенгайишини англатади. Маҳсулот экспортига нисбатан диверсификация экспорт қилинадиган товарлар миқдори ва ассортиментини ошириш, шунингдек, экспортнинг мувозанатлашган таркибига эришишга олиб келадиган жараённи ўз ичига олади.

Ўзбекистон саноат маҳсулотлари экспортини диверсификация қилиш даражасини баҳолаш учун Ҳерфиндал-Хиршман ёндашувидан фойдаланилди. Ушбу ёндашув иқтисодий концентрацияни баҳолаш учун ишлатилади. Хусусан, ундан бозор концентрацияси даражаси, монополлашув даражаси ва бошқаларни баҳолашда фойдаланилади. Индекс биринчи марта америкалик иқтисодчи, Гарвард университети профессори Алберт Хиршман томонидан 1945 йилда ташқи савдо бозорларининг концентрация даражасини баҳолаш учун ишлаб чиқилган [4].

Концентрация даражаси баҳоланадиган кўрсаткич Ҳерфиндал-Хиршман индекси бўлиб, у ҳар бир элементнинг умумий ҳажмидаги улушлари квадратлари йиғиндисидан иборат:

$$HHI = \sum_{i=1}^n S_i^2$$

Ушбу индекс қиймати қанча юқори бўлса, концентрация даражаси шунча юқори бўлади. Индекс 0 дан 1 гача бўлган қийматни олади (улушларни фоизсиз ҳисоблаганда).

Диверсификация концентрацияга тескари бўлган жараён. Ушбу мантиқдан келиб чиққан ҳолда, диверсификация даражасини баҳолаш учун Херфендал-Хиршман концентрацияси индексига тескари индексдан фойдаланилган:

$$DI = \frac{1}{HHI}$$

ёки:

$$DI = \frac{1}{\sum_{i=1}^n S_i^2}$$


Индекс диапазони 1 дан 100 гача (улушларни фоизсиз ҳисоблашда), бу ерда 1 назарий жиҳатдан битта маҳсулотдаги мутлақ концентрацияни англатади. Бошқача қилиб айтганда, ма'лум вақт оралиғида индекс қийматининг ошиши диверсификация даражасининг ошишини англатади.

### **ТАДҚИҚОТ МЕТОДИКАСИ.**

Саноат маҳсулотлари экспорти диверсификацияси бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари экспорти, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Шундай қилиб, олинган формуладан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ма'лумотлари асосида 2010-2021 йилларга мўлжалланган саноат экспортининг диверсификация индекси (бу ерда ва кейинги ўринларда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобга олинмаган ҳолда) ҳисоблаб чиқилди. Шу билан бирга, 2 хонали ТИФТН кодлари бўйича маҳсулотларни экспорт қилиш тўғрисидаги ма'лумотлардан фойдаланилди. Натижалар 1-расмда кўрсатилган.



**1-расм. Ўзбекистон саноат маҳсулотлари экспортининг диверсификация индекси динамикаси (йиллар кесимида) [4]**

*Манба: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди*

Ҳисоб-китоблар натижалари Ўзбекистон саноат маҳсулотлари экспортини диверсификация қилишда сезиларли ютуқларга эришилганини кўрсатди. Шундай қилиб, 2010-2021 йиллар учун индекс қиймати 4,82 дан 5,76 гача ошган. Бунга эътиборни энергия ресурслари, пахта ва бошқа хом ашё маҳсулотлари экспортга қаратишдан воз кечиш ёрдам берди. Шундай қилиб, 2010 йилда саноат маҳсулотлари экспортида минерал ёқилғининг улуши қарийб 30% ни, пахтанинг улуши эса 20% ни ташкил этган, яъни саноат экспортининг ярми иккита асосий товарга тўғри келган. Бу эса экспорт концентрациясининг юқори даражасини кўрсатади. Ушбу товарларнинг экспортдаги улуши 2016 йилда 36% ни, 2021 йил охирига келиб эса 22% ни (мос равишда минерал ёқилғи – 7%, пахта – 15%) ташкил этди.

Бундан ташқари, ушбу даврда ишлаб чиқариш ва экспортни юқори даражада қайта ишланган маҳсулотларга йўналтириш сиёсати олиб борилди. Натижада тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечак экспорти 6 баробар ошиб, саноат маҳсулотлари экспортида 1,5% ни ташкил этди. Электр техникаси ва ускуналари экспорти ҳажми сезиларли даражада ошди – 73% га. Шундай ўзгаришлар юқори қўшилган қийматли бошқа бир қатор саноат маҳсулотлари экспортида ҳам содир бўлди.



Бу ўзгаришларнинг барчаси саноат маҳсулотлари экспорти таркибининг сифат жиҳатидан ўзгаришига олиб келди. Агар 2010 йилда саноат экспортининг ярмидан кўпини хом ашё ва бутловчи буюмлар ташкил қилган бўлса, 2021 йилда уларнинг улуши 17,5% гача камайди.

Пандемия билан кечган 2020 йилда индекснинг сезиларли даражада пасайишига обектив равишда савдо ва логистика борасидаги қат'ий чекловлар, ташқи талабнинг пасайиши ва дунёда иқтисодий фаолликнинг пасайиши сабаб бўлди.

Шунингдек, саноат товарларининг айрим гуруҳлари экспортини диверсификация қилиш даражасига ҳам баҳо берилди. Бунда Ўзбекистон саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда асосий бўлган товар гуруҳлари танлаб олинди. Баҳолаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал.**

**Ўзбекистоннинг алоҳида товар гуруҳлари экспортида  
диверсификация индекси динамикаси (йиллар кесимида) [5]**

Товар гуруҳларининг номи	2010	2016	2020	2021	2010-2021 йиллардаги ўзгариш
Кимё-фармацевтика саноати маҳсулотлари	1.56	2.00	2.63	2.76	Ўсиш
Қора ва рангли металлар, улардан тайёрланган буюмлар	2.34	2.59	2.51	1.92	Пасайиш
Тўқимачилик ва кийим-кечак	1.21	1.68	2.58	2.34	Ўсиш
Чарм ва поябзал маҳсулотлари	1.67	1.26	2.17	2.44	Ўсиш
Муҳандислик маҳсулотлари	2.04	3.70	2.71	2.59	Ўсиш

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди*

Шундай қилиб, таҳлил қилинаётган даврда қора ва рангли металлургиядан ташқари саноат маҳсулотларининг барча товар гуруҳлари бўйича экспортнинг диверсификация даражаси ўсиши кузатилди. Агар 2010 йилда кимё ва фармацевтика саноати маҳсулотлари экспорти ҳажмида минерал ўғитлар экспортининг улуши устун бўлиб, 78,5% ни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб у сезиларли даражада камайди ва 43% ни ташкил этди. Шу билан бирга, ушбу гуруҳ экспортида фармацевтика маҳсулотлари, шунингдек, кимё саноатининг бошқа бир қатор маҳсулотлари улуши ошди ва тахминан 3% ни ташкил этди. Бироқ, жаҳон бозорида уларга бўлган талаб ортиб бораётгани ва қулай нарх шароити туфайли ўғитлар ушбу маҳсулотлар гуруҳи экспортида салмоқли улушни эгаллашда давом этмоқда.

Тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари экспортининг диверсификация даражаси ошиши пахта экспорти ҳажмининг сезиларли даражада камайиши ва унинг экспортдаги улушининг қисқариши ҳамда қайта ишлаш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар улушининг ортиши билан боғлиқ. Шундай қилиб, ушбу товар гуруҳи экспортида трикотаж газламаларининг улуши 2010 йилдаги 1,4% дан 2021 йилда 7,8% гача, экспорт ҳажми эса 7,8 баробаргача ошди. Тайёр маҳсулотлар, айнан кийим-кечак предметлари ва бошқа тайёр маҳсулотлар улуши ҳам шу тариқа 6% дан 25% га ошди.

Маҳсулотларни экспорт қилишда Ўзбекистон чарм-поябзал саноати ҳам сезиларли ютуқларга эришди. Агар 2010 йилда товар гуруҳи экспортида хомашё улуши 75% ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда у 43% га камайди. Шунга қўра, чарм маҳсулотлари экспорти улуши 0,3% дан 10% га, поябзал ва унинг учун аксессуарлар улуши 14% дан 46% га ошди. Албатта, товар экспорти ҳамон устунлик қилишда давом этмоқда. Бу эса қайта ишлаш соҳасида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплигидан далолат беради.

Машинасозлик маҳсулотлари экспорти унинг таркибида ерусти транспорт воситалари улушининг 68% дан 54% гача камайиши ва бошқа турдаги маҳсулотлар экспортининг ортиши билан характерланади. Демак, кўриб чиқиладиган даврда экспортда электр машиналар ва ускуналар улуши 13% дан 23% га, механик ускуналар ва шунга ўхшаш қурилмалар улуши 8% дан 18% га ошган.

Қайд этиш жоизки, бундай ёндашувни экспорт географиясининг диверсификация қилинишига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. У мамлакатнинг ташқи савдо фаолиятида рўй бераётган ўзгаришлар манзарасини яққол кўриш имконини беради.



## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон саноати экспортни кенгайтириш ва диверсификация қилишда яхши натижаларга еришмоқда. Шу билан бирга, келгусида янада яхшироқ натижаларга еришиш учун катта имконият ва захиралар мавжуд. Бу захиралардан еса объектив тарзда ўзгараётган ташқи шарт-шароитларга фаол интеграциялашув орқали фойдаланиш мумкин.

Экспорт таркибида муаммоларга ега мамлакатлар экспорт таркибини диверсификация қилишнинг долзарблиги ташқи бозорларни егаллашда, миллий экспорт таркибининг тур ва хажм жиҳатидан кўп бўлиши жаҳон хўжалигида мамлакатнинг рақобатбардош бўлишига ёрдам беради. Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган маҳсулотлар ва хизмат турларининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида маҳсулот ёки хизмат тури (айниқса, хомашё) улушининг салмоқли бўлишига барҳам берилиши маҳсулотлар экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтиради, экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзгаришларга таъсирчанлигини даражасини пасайтиради.

## **Фойдаланилган манбалар (REFERENCES)**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом еттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 92 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Полтерович В.М., Механизм глобального экономического кризиса и проблемы технологической модернизации / Москва: ЦЭМИ РАН и РЭШ, 2009.
4. Albert O. Hirschman, National Power and the Structure of Foreign Trade / University of California Press, Berkeley and Los Angeles, 1945.
5. Қабулов Х.Ў. Ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ва иқтисодиётни диверсификациялашнинг хориж тажрибаси. Магистрлик диссертацияси. Т.: ТМИ. 2019. 95 б.
6. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz) – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти.
7. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги.